

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИБИЁТ АКАДЕМИЯ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ДАВОЛАШ ИШИ “ТЕРАПИЯ”  
Йўналиши**

**“ТЕРАПИЯ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ  
МЕТОДИКАСИ”**

**МОДУЛИБЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙМАЖМУА**

**Тошкент 2018**

*Мазкур ўқув-услубий мажмуда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 201\_\_\_  
йил “\_\_\_” \_\_\_-сонли буйргу билан тасдиқланган ўқув режса ва дастур  
асосида тайёрланди.*

**Тузувчилар:** ТТА даволаш факултети, факултет ва госпитал терапия кафедраси доценти, Г.С. Агзамова  
TTA тиббий педагогика факултети, факултет ва госпитал терапия кафедраси доценти, З.Ф. Умарова

**Тақризчи:** Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази лойиха раҳбари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академик Аляви А.Л,  
TTA 2-сонли ички касалликлар кафедраси профессор Насриддина Н.Н.

*Ўқув-услубий мажмуда Тошкент Тиббиёт Академияси Кенгашининг  
201 йил \_\_\_ сонли қарори билан нашрга тавсия  
қилинган*

## **МУНДАРИЖА**

I. Ишчи дастур.....	3
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълимметодлари. ....	11
III. Назарий материаллар .....	25
IV. Амалий машғулот материаллар .....	35
V. Кейслар банки .....	37
VI. Мустақил таълим мавзулари .....	49
VII. Глоссарий .....	50
VIII. Адабиётлар рўйхати .....	63



**“Мамлакат соғликни сақлаш соҳасини янада ривожлантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, ёш мутахассисларни тарбиялаш жараёнига илфор таълим технологияларини кенг жорий этиш, дунёнинг етакчи тиббиёт марказлари ва ўқув муассасалари, таниқли олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликни кенгайтириш каби масалалар давр талаби”.**

**Ш.М.Мирзиёев**

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга оширишузлуксиз таълим тизимининг тузилмаси ва мазмунини замонавий фан ютуқлари ва ижтимоий тажрибага таянган ҳолда туб ислоҳотларни кўзда тутади. Бунинг учун, аввало, таълим тизимининг барча шаклдаги муассасаларида таълим жараёнини илгор, илмий-услубий жиҳатдан асосланган янги ва замонавий услубият билан амалда таъминлаш лозим. Ёш авлодга таълимтарбия беришнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, услубий талабларига кўра фан, техника ва илгор технология ютуқларидан унумли фойдаланиш бугунги таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 20 апрель куни “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” ги 2909 сонли қарори қабул қилинди. Ўзбекистон олий ўкув юртларидағи “кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш” дан иборат. Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсади инсон ва унинг манфаатлари, унинг хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш ҳамда баркамол авлодни вояга етказишга қаратилгандир.

Давлатимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника, технология асосида мутахассислар тайёрлашнинг такомиллашган тизимиға босқичма-босқич ўтилмоқда. Олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурини замонавий илмий тафаккур ютуқларига, илгор тажрибаларга таянган ҳолда, тиббиёт олий укув юртларида таълим жараёнини таъминловчи омил ҳамда илмий – услубий технология сифатида амалга оширишдир. Педагог ўз мутахассислиги бўйича ўзлаштирган билимидан қатъий назар, таълим жараёнига қадам қўяр экан,

педагогик - психологик билимлар, педагогик технологиялар, педагогик маҳорат, педагогик маданият ва ўқитиши-ўргатиш услублари йифиндиси бўлган зарур педагогик кўникмаларни эгаллаган бўлиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати ва самарасини ошириш учун тиббиёт ходимларида, айниқса тиббиёт кадрларини тайёрлашга масъул бўлган профессор – ўқитувчиларининг тиббиёт фани бўйича билим, кўникма ва малакаларини ошириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир. Шу ўкув услугбий мажмууда терапиянинг долзарб масалалари ва терапия фанларини ўқитишида ўкув - услугбий таъминот”га багишлиланган. Терапевтик касалликларни интегрирлашган усулда даволаш. Терапияда учрайдиган шошилинч ҳолатларда тез ёрдам кўрсатиш шарт-шароитлари ва бошка юкори технологияларни кулланади. Терапия йўналишида жаҳон тиббиётида кенг қўлланилаётган даволаш технологияларини қўллашига катта ахамият берилади.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин эгаллайди. Шуни хисобга олиб, даволаш иши терапия фани бўйича ушбу дастур тузилди ва унга асосан ўкув қўлланмалар, тарқатма материаллар тайёрланди. Тошкент Тиббиёт Академияси қошидаги раҳбар ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказида барча тиббиёт йўналишлари профессор ўқитувчилари учун асосий фан сифатида ўқитилмоқда.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Терапия фанларни ўқитиши методикаси” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини клиник фанларини ўқитишида замонавий ўкув-услубий таъминот ҳақидаги билимларини такомиллаштириш.- терапия фанларини ўқитишида қўлланиладиган ўкув-услубий таъминот ҳақида тушунча бериш;

**“Терапия фанларни ўқитиши методикаси” модулининг  
вазифалари:**

- терапия фанларини ўқитишида қўлланиладиган ўқув-услубий таъминот ҳақида тушунча бериш;
- терапия фанлари муаммоларини ҳал этишда қўлланиладиган ўқув-услубий материалларни амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.
- ўқув жараёнини юқори сифатли таъминлаш учун кафедранинг ўқув-услубий комплекси билан танишиш
- терапия фанларини ўқитишида педагогик фаолият, олий таълимда ўқитиши жараёнинини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;
- тингловчиларнинг терапия фанлари муаммоларини таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- терапия фанлари муаммоларини ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**Тингловчи:**

- терапия йўналиши фанининг асосий назарий ва амалий соҳаларда эришган ютуқлари, муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини;
- терапия йўналиши соҳасидаги инновацияларни ва таълим технологияларини ўқув жараёнига татбиқ этишнинг назарий ва амалий асослари;
- Терапияйўналиши соҳасидаги касалликларни ва уларнинг ривожланиш босқичларини;
- терапия йўналиши касалликларнинг кечиш хусусиятларини ва профилактикани **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- терапия йўналиши касалликларга социал-демографик муаммолардан келиб чиқсан ҳолда ташхис қўйиш;
- замонавий диагностика, даволаш ва профилактика усулларидан самарали фойдаланиш;
- терапия фанларда муаммоли ўқитишни қўллаш
  - терапия йўналиши касалликларнинг интегрирлашган усулда даволаш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- терапия йўналиши касалликларидадаволашда юқори технологияларни қўллаш;
- терапия йўналиши касалликларида профилактикани ўрни;
- терапия йўналиши фанларини ўқитишда муаммоли педагогик вазиятларга инновацион ёндашиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- терапия йўналиши касалликларида профилактикани усулларни қўллаш **компетенциялариға** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Терапия фанларни ўқитиш методикаси” модулининг маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, гурӯҳли фикрлаш, кичик гурӯҳлар билан ишлаш, SWOT, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Терапия фанларни ўқитиш методикаси” модулининг мақсади модулининг модули мазмуни ўқув режадаги “Терапияда замонавий диагностика усуллари” ва “Терапияда замонавий даволаш ва профилактика усуллари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг терапевтик касалликларни профилактика бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар терапевтик муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакил таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси		Жумладан				
			Жами	назарий	амалий	Машнгулот	Кўчма Машнгулот		
1.	Терапия фанларни ўқитиш методикаси. Терапия фанларни ўқитишда интерактив усуллари билан фойдаланиш.	6	6	2	2	2			
2	Терапевтик фанларда муаммоли, масофовий ўқитишни қўллаш	8	6	2		4	2		
5	Жами	14	12	4	2	6	2		

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1- МАВЗУ:** Ўқув - услугий таъминот. Терапия фанларни ўқитиши методикаси. Терапия фанларни ўқитишида интерактив усуллари билан фойдаланиш. Терапия фанларни ўқитишида интерактив усуллари билан фойдаланиш.

терапевтик фанларни ўқитишида ўум ўрни бугунги кунда талабаларни анъанавий усулда уқитиши замонавий уқитиши усуллари билан тобора кенг алмаштирилмоқда. ЭУУМ афзалликлари:

- берилаётган ахборотнинг турли хилдалиги (аудио, видео, график органайзер, схемалар ва х.к)
- хар бир талабага индивидуал ёндашиш
- талабаларнинг мустақил ишини жадаллаштириш
- берилаётган ахборотнинг турли эканлиги, ўйин турида берилиши талабанинг қизиқишини орттиради
- талабалар фаолиятини ўз вақтида ва объектив баҳолашга ёрдам беради.

**2- МАВЗУ:** терапевтик фанларда муаммоли,

масофовий ўқитиши қўллаш. Методик материалларнинг турлари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

1 –амалий машғулот: Терапия фанларни ўқитишида ўқув - услугий таъминот. Терапия фанларни ўқитишида интерактив усуллари билан фойдаланиш.

2-амалий машғулот: терапевтик фанларда муаммоли, масофовий ўқитиши қўллаш. Методик материалларнинг турлари.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуйидаги:

- ўқув ишини ташкиллаштиришнинг интерфаол шаклларидан: бинар-маъруза, провакацион маъруза, савол-жавобли маъруза, сухбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.
- ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари сифатида қуйидагилардан

фойдаланиш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидул;
- амалий машғулотларда гурӯҳли, жамоавий, жуфтлик, индивидуал.

### **Кўчма машғулотлар:**

кўчма машғулотлар - тошкент тиббиёт академияси кафедраларда, уаш модулларда, республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий тиббиёт маркази, республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, республика ихтисослашган эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази ва республика шифохоналарда, тиббиёт марказларда ўтказилади.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyihalar echimi boyicha daliillar va asosli argumentlarни taqdum qiliish, eshitish va muammolarni echimini topish қобiliyatini rivojlanтириш).
- Тошкент тиббиёт академиясининг қишлоқ врачлик пункти модулда

профилактика ва диспанцеризатция масалаларини амалиётга тадбиқ этиш.

### **БАХОЛАШ МЕЗОНИ**


№	Үқув-топшириқ турлари	<b>Максимал балл</b>	<b>Баҳолаш мезони</b>			
			“аъло”	“яхши”	“ўрта”	“қоник арсиз”
1.	Назарий билим	1,5				
2.	Амалий кўникма	1	2,2-2,5	1,8-2,1	1,4-1,7	1,4 <

### **Кўчма машғулотлар:**

Кўчма машғулотлар - Тошкент тиббиёт академияси кафедраларда, УАШ модулларда, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, Республика ихтисослашган эндокринология илмий амалий тиббиёт марказида республика шифохоналарда, тиббиёт марказларда ўтказилади.

## **П.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАЊОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

Ўқитиши жараёнини замон талаб даражасига қўтариш бу инновацион таълим технологиялари олий таълимни модернизациялаш асосий омилидир. Инновацион таълим технологияларини мақсади: назарий ва амалий машғулотларни режалаштириш технологиялари бўйича билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш.



### **ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ МОДУЛИ**

Тингловчилар мавзуни инновацион технологиялар усулида ўрганиш натижасида қўйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар:

- “назарий дарс” ва “амалий машғулот” га таъриф берадилар;
- педагогик жараён элементларини санаб берадилар;

- таълим берувчининг дидактик ҳатти-ҳаракатлари мавзусини тушунтириб бера олади;
- ўқитиш ва ўқиши циклининг босқичларини фарқлай олади;
- ўқув мақсадларини турлари бўйича ажрата олади;
- таълим жараёнига инновацион таълим технологияларини тадбиқ эта олади.

Америкалик психолог олим Бенджамин Блум томонидан яратилган “Блум таксономияси ўрганиш даражаси 6 поғонадан иборат бўлиб, когнитив ўқув мақсадлари соҳаси ушбу поғоналар бўйича фарқланади.

«Билиш» даражаси когнитив соҳанинг энг қуи босқичи бўлиб, у тушунчалар, далиллар ва тамойилларни эслаш демакдир. Бу босқичда шахс ўзлаштирган билимларини хотирада сақлаши ва эслashi, уларни номлаши ва айтиб бера олиши керак.

«Тушуниш» босқичида ўзлаштирилган билимлар моҳияти ойдинлаштирилади ва англаб етилади.

«Кўллаш» босқичида ўзлаштирилган назарий билимлар турли шаклларда

кўлланилади. Таҳлил» босқичи шахсга ўзлаштирилган билимларни таҳлил қилиш имқонини беради.

«Синтез» босқичи шахсга ўзлаштирилган билимларни ўзаро бир-бирига боғлаш ва умумий алоқадорликларни аниқлаш имқонини беради.

«Баҳолаш» даражаси энг юқори босқич ҳисобланади. Бу босқич олинган билимлар асосида маълум қадриятларга тааллуқли ҳолатларни баҳолаш, қарор қабул қилиш, муаммоларни ҳал қилиш ва баҳолаш мезонларини яратиш кўникмаларини ўзлаштиришни назарда тутади.

## **БЕНДЖАМИН БЛУМ “БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИ”**


### **“КИЧИК ГУРУХДА ИШЛАШ” МЕТОДИ**

#### **“Кичик гурухларда ишлаш” методини мақсади:**

- таълим олувчиларни фаоллаштириш
- уларни кичик гурухларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш
- берилган топшириқни бажаришга қаратилған дарсдаги ижодий ишлаш.

**Кичик гурухларда ишлаш методини мазмуні:** – бу ўқув топшириғни ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилған, ўқув жараёнида кичик гурухларда ишлашга мүлжалланған таълимни ташкил этиш шаклидир. Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гурухларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролидаги бўлишга, бирбиридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имқонига эга бўлади.

**Гурухларни қандай жойлаштириш маъқул кўринишиларидан бири.**



Талабаларга интерфаол метода дарс олиб боришга ижобий таъсир этувчи омиллардан, бу ўқув хонасини холати, гурухларни ўзаро жойлашиш тартиби хам мухим хисобланади.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имқониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим оловчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.

### **“Кичик гурухларда ишлаш” методининг вазифалари**

#### **қўйидагилардан иборат:**

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гурухлар белгиланади. Таълим оловчилар гурухларга 3-5 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гурухлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ қўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гурухлар тақдимот қиласадилар.
6. Бажарилган топшириқлар мухокама ва тахлил қилинади.
7. Кичик гурухлар баҳоланади.

## “Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси



“Овқатланиш физиологияси асослари” фани бўйича амалий машғулоти учун ўқув топшириғи ва уни бажариш бўйича йўриқнома

### “БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ

#### “Баҳс-мунозара” методи мақсади:

- бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув.
- хар бир ўқувчини фаол иштирокини таъминлаш.
- ўқувчида мустақил фикрни шакллантириш
- ўқувчида нутқ маданиятини ўстириш

#### Баҳс мунозара методини мазмуни.

Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим

олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имқоният яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя
- қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро хурмат

### **“Баҳс-мунозара” методининг вазифалари босқичлари**

#### **қуидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гурухларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қиласди.
5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

## **“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси**



## **Б/Б ТЕХНИКАСИНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМА.**

1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдиринг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни тўлдиринг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни тўлдиринг.
4. Маърузани тингланг ва визуал материаллар билан танишинг.

**”КИМ КЎПРОҚ, КИМ ТЕЗРОҚ?” иш ўйинини ўтказиш усули:**

**Иш учун зарур:**

1. мавзу бўйича саволлар ёзилган карточкалар ( карточкаларнинг сони гурухдаги тингловчилар сонига teng; ҳар бир карточкада 5 тадан савол бор).
2. Секундомер.

**Ишнинг бориши:**

1. Ўйин оғзаки тарзда ўтказилади.

2. Тингловчилар навбат билан саволли карточкаларни тўпламдан суғуриб оладилар.
3. Ҳар бир талаба 3 дақиқа давомида карточкада ёзилган саволлар тўпламига (5) оғзаки жавоб беради.
4. Ўқитувчи тўғри жавоблар сонини ҳисоблайди.
5. Ўйинда барча тингловчилар қатнашадилар
6. Ўйиннинг умумий вақти – 45 дақика.
7. Тўғри жавоблар берилмаган саволлар мухокама қилинади.
8. Тингловчиларнинг жавоблари қўйидаги шаклда баҳоланади:
  - 5 та тўғри жавоб – 100 балл
  - 4 та тўғри жавоб – 80 балл
  - 3 та тўғри жавоб – 60 балл
  - 2 та тўғри жавоб – 40 балл
  - 1 та тўғри жавоб – 20 балл
  - 0 та тўғри жавоб – 0 балл
9. Тингловчилар олган балл машғулотнинг жорий баҳосини қўйишида хисобга олинади.
10. Жариданинг пастки бўш қисмида иш ўйинининг ўтказилганлиги хақида маълумот гурух сардорининг имзоси билан белгиланади.

### **«МИОКАРД ИНФАРКТИ» профилактика бўйича**

#### **1. «Ким қўпроқ, ким тезроқ?» иш ўйини.**

#### **Иш ўйинини ўтказиш учун саволлар:**

1. Миокард инфаркти бирламчи профилактикаси хақида тушунча беринг.
2. Миокард инфарктининг иккиласи профилактикаси.
3. Миокард инфарктининг учламчи профилактикаси.
4. Миокард инфарктининг хавфли омилларни айтинг.
5. Миокард инфарктига олиб келувчи сабабларни сананг.

6. Миокард инфаркти билан ўғриган бемор қайси профилактика турига мухтож.
7. Миокард инфаркти билан ўғриган беморларда асоратларни олдини олиш учун нима қилиш мумкун.
8. Миокард инфарктининг олдини олиш бўйича тавсияларингиз.
9. Миокард инфарктининг астматик шаклида учlamчи профилактикани айтинг.
10. Миокард инфарктининг аритмик шаклида учlamчи профилактикани айтинг.
11. Миокард инфаркти ва қандли диабет билан оғриган беморларда учlamчи профилактиканинг ўзига хослиги айтинг.
12. Миокард инфарктинидаги оғриқнинг атипик жойлашувли шаклини айтинг

### **“ЎРГИМЧАК ТЎРИ” иш ўйини:**

- 1-қатнашчи:** 1. Миокард инфаркти ва қандли диабет билан оғриган беморларда учlamчи профилактиканинг ўзига хослиги айтинг.
2. Миокард инфаркти асоратларининг олдини олиш хақида сўзланг.
- 2-қатнашчи:** 1. Миокард инфарктининг аритмик шаклида учlamчи профилактикани айтинг.
2. Миокард инфаркти бирламчи профилактикаси хақида тушунча беринг
- 3-қатнашчи:** 1. Сурункали юрак йетишмовчилигининг учlamчи профилактикаси.
2. Миокард инфарктининг қиёсий ташхисини сўзланг

**4-қатнашчи:** 1. Миокард инфарктининг клиникаси  
2. Юрек аритмияларида учламчи профилактика

**5-қатнашчи:** 1. Миокард инфарктининг атипик шаклларини сананг  
2. Ўпка шишини диагностикачини сўзланг.

**6-қатнашчи:** 1. Миокард инфарктининг абдоминал шаклини айтинг  
2. Дресслер синдромини диагностикачини сўзланг.

**7-қатнашчи:** 1. Миокард инфарктининг астматик шаклини айтинг  
2. Ритм бузилишларини диагностикачини сўзланг

**8-қатнашчи:** 1. Миокард инфарктининг аритмик шаклини профилактикаси айтинг  
2. Миокард инфарктининг лаборатор диагностикаси.  
2. Миокард инфарктини даволашда қўлланиладиган асосий препаратлар гуруҳи

### **Графикли органайзерлар техникаси.**

- I. Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (ҳодисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг йўли ва воситалари.

**1. Кластер – (Кластер-тутам, боғлам) – ахборот харитасини тузиш йўли – барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун кандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йигиши. Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очиқ жалб қилишга ёрдам беради. Тингловчилар Кластерни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта қофоз варағининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади. Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўз в таклифлар кичик доирачалар “йўлдошлар” ёзиб қўшилади. Уларни асосий сўз билан чизиқлар ёрдамида бирлаштирилади. Ёзув жратилган вақт давомида ёки ғоялар ту гагуничадавомэтишимумкин.**

**Муҳокамаучун кластерлар билан алмашинадилар.**

### **Кластерни тузиш қоидаси:**

1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Ғоялари сифатини муҳокама қилманг фақат уларни ёзинг.
2. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агарда ақлингизда ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у ҳолда қачонки янги ғоялар келмагунча қофозга расм чизиб туринг.

### **Намуна: “Кейс-стади” методи.**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда

фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### **“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

<b>Иш Босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имқониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имқониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

## **«ФСМУ» методи.**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

## **“Ассесмент” методи.**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий

кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

### **“Портфолио” методи.**

“Портфолио” – ( итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йигиндиси сифатида акс этади. Жумладан, тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурӯҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гурӯҳи, тингловчилар гурӯҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Қафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

1-мавзу:

Мавзу. Ўқув мақсадларига тўла эришиш учун талабаларни эффектив билим фаолиятини ташкил этиш. Электрон-ўқув услугбий мажмуалар”

Режа:

1. Ўқув-услубий мажмуа тўғрисида тушунча
2. Ўқув-услубий мажмуанинг мақсад ва вазифалари
3. Электрон-ўқув услугбий мажмуа
4. Терапия фанларни ўқитишида замонавий технологиялардан фойдаланиш

Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган қийинчилар ва уларни бартараф этиш йўллари ечиш. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва инновацион салоҳиятини ривожлантириш – долзарб педагогик муаммо сифатида . Терапия фанлари муаммоларини ҳал этишида қўлланиладиган ўқув-услубий материалларни амалиётга татбиқ этишга тингловчи ўрганади, ўқув жараёнини юқори сифатли таъминлаш учун кафедранинг ўқув – услугбий комплекси билан танишиш

**Режа:**

1.

**Таянч иборалар:** ўқув – услугбий комплекси, Ўқитувчининг инновацион фаолиятини

**1.1.Режа:**

1. Ўқув-услубий мажмуа тўғрисида тушунча
2. Электрон ўқув-услубий мажмуа тўғрисида тушунча

Таянч иборалар: ўқув-услубий мажмуа, электрон ўқув-услубий мажмуа, замонавий технологиялар.

Терапевтик фанларни ўқитишида ЎУМ ўрни бугунги кунда талабаларни анъанавий усулда укитиш замонавий укитиш усуллари билан тобора кенг алмаштирилмоқда.

Хаётимизга кириб келган Интернет, ахолининг оммавий компьютеризацияси ва янги ахборот технологиялари янги авлод талабаларининг тенталитети узгаришига сабаб булмокда.

Янги ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш, уларни амалиётга тадбик килишда укув-услубий мажмуаларнинг урни сезиларлидир.

Бугунги кунда педагогик амалиётда янгиликсиз дарс олиб бора олмаслигимиз яккол куринмокда. Бу нимада намоён булмокда:

- Талабалар реал масалалар устида ишламокда
- Талабалар реал муаммоларни хал кили шва тахлил килишда катнашмоқдалар.
- Реал ходисаларни англаш жараёнида талабалар турли ахборот базаларидан фойдаланмоқдалар.
- Талабалар критик фикр юритиш ва узлари кабул килган карорларига жавоб беришга урганмоқдалар

Ўкув-услубий мажмуа – талабалар томонидан фанни узлашриш «стратегияси» ва укув йилидаги «тактикани» белгиловчи хужжат ЎУМ талабалар ва педагоглар учун мулжалланган.

Электрон ўкув-услубий мажмуа – укув жараёни учун мулжалланган мультимедиали программали маҳсулот булиб, укув жараёнининг узлуксизлигини, туликлилигини ва визуал кабул килишни таъминлайди.

ЎУМ тузишдан мақсад:

- талабага фан буйича мустакил тайёрланиши учун укув-услубий материалларни тулик бериш
- бунда талабага ахборот бериш билан бир каторда унга маслаҳат бериш, талаба билимини баҳолаш хам кузда тутилади.

ЭУУМ афзалликлари:

- берилаётган ахборотнинг турли хилдалиги (аудио, видео, график органайзер, схемалар ва х.к)
- хар бир талабага индивидуал ёндашиш
- талабаларнинг мустақил ишини жадаллаштириш
- берилаётган ахборотнинг турли эканлиги, ўйин турида берилиши талабанинг қизиқишини орттиради
- талабалар фаолиятини ўз вақтида ва объектив баҳолашга ёрдам беради.

Замонавий ЎУМ нимага эътибор бериши лозим:

- педиатрик фанларда олиб борилаётган халқаро илмий изланишлар билан таништириш ва уларни тахлил қилишга қаратилган;
- халқаро стандартлар асосида илий изланишларни олиб бориш усуллари билан таништириш;
- касбий маҳоратни оширишга қаратилганлик;
- рефлексив тажрибани ошириш, қўйилган муаммо ва масалаларни ечимини топиш
- касбий фаолияти натижасига индивидуал ва колектив жавоб беришга тайёр бўлишни шакллантириш

ЎУМ ишлаб чикишда кўйидагт дидактик принципларга амал килиш керак:

- Давлат таълим стандартига мос келиши
- ўқув материалларининг аниқ тизимлаштириш;
- ўқув материалларни кетма-кет ёритиш;
- ахборотнинг тўлиқ ва хаммабоп бўлиши;
- талаба эгаллаши керак бўлган кўниммани эгаллаши;
- берилаётган материалларнинг ўқув соатига мос келиши;
- ўзгарувчанлик, харакатчанлик (ЎУМ хар 1-1,5 йилда модернизация қилиш);

- замонавийлик ва илмий ютуқларга мос келиши;
- оптималлиги, қулайлиги
- талабалар ва педагоглар учун хаммабоп бўлиши

Кафедранинг ўқув – услугий комплекси ва унинг таркиби.

Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат ва гражданлик жамиятни қуришга қаратилган курсни танлаган ва амалга оширмоқда.

Республикада кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур прогрессив технологияларни кенг ўзлаштириш билан узлуксиз таълим олишнинг структураси ва мазмунини тубдан ислоҳ қилишни кўзда тутади.

Миллий дастурни асосий мақсади профессионал, пухта билимли, ижти-моий актив, ижодий педагог шаҳсини шакллантиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шароитларини яратиш, педагогик кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш асосида педагогик кадрларни тайёрлаш тизимини келажакдаги ривожланишидир.

Республиканинг олий мактаби тубдан ислоҳ қилинмоқда. Олий мактаб олдида муносиб (мувофиқ) савия ва ихтисосга эга, иш бозорида рақобатдош, масъулиятли, ўз касбини яхши эгаллаган ва бир-бирига яқин фаолият соҳаларда мослашган, жаҳон стандартлари даражасида ихтисос бўйича самарали ишлашга қобилиятли, малакали мутахассисларни тайёрлашдек биринчи ўриндаги масала турибди.

Бу масала фан, техника, етакчи технологиялар ютуқларидан фойдаланиш асосида шахсни тарбиялаш, ўқитиш ва ривожлантириш мақсадлари, мазмуни, усуллари, тадбирлари ва ташкилий шаклларини илмий таъминотини талаб қиласи.

Олий профессионал таълим муаммоларини педагогик маънавий мадания-тини оширмасдан, педагогик фан ва амалиётида консерватизм (мутаассиблик), мустаҳкам стереотипларни енгасдан ҳал қилиб бўлмайди. Бу муаммолар ўқув жараёнига янги илм олиш технологияларни жорий қилиш ва ишлаб чиқиш билан бевосита боғлиқ.

Олий мактабда илм олиш технологиялари системаси руҳий-

педагогик комплексни ифодалайди. Бу комплекс ўз ичига ўқитиш жараёни учун зарур бўлган шароитларни ва дидактик шакллар, усулларни маҳсус танлашни ва компановкани олади.

Бу комплексни амалга ошиши натижасида ўқувчиларни талаб қилинадиган фаолияти ва ахлоқ шаклларини ўзгаришлари юзага чиқади, ўқитувчининг интеллектуал (ақлий) ижоди такомиллашади.

Шундай қилиб, илм олиш яхлит дидактик тизим бўлиб, унинг амалга ошиши таълим ва тарбияни муайян мақсадларига эришишга олиб келади.

Педагогик технология ўқув-тарбиявий жараённинг жонли, динамик таркибий қисми, ижодий ва яратувчи иш бўлиб қолади.

### Методик материалларнинг турлари

Умумий:

- 1.1. Кафедра хақида низом, кафедра паспорти
- 1.2. Мутахассислик бўйича давлат стандарти
- 1.3. Намунавий ўқув дастрлари
- 1.4. Ўқув фанлари режалари
- 1.5. Иш дастурлари
- 1.6. Кафедрада курсни ўқитиш бўйича янги фаолият турларини ташкиллаштириш талаблари - инструктив методик кўлланмалар.
- 1.7. Ўқитувчилар учун ЯМС бўйиач методик тафсияномалар.
- 1.8. Амалий кўникмаларни ўзлаштириш бўйича методик курсатмалар
- 1.9. Кўргазмали ўқув куроллари ва тарқатма материалларга умумий талаблар, ўқув жараёнида уларни кўллаш.
- 1.10. Кафедралар ўқув жараённинг вертикал ва горизонтал йўналиши бўйича интеграция материаллари.
- 1.11. Ўқув жараёнида янги педагогик технологияларни кўллаш материаллари.
- 1.12. Амалий машғулотларни олиб бориш учун керак бўлган барча ўқув – методик адабиётларни ўзига жамлаган ўқитувчи кейси.

- 1.13. Талабалар билимини баҳолаш учун рейтинг тизимини ташкил қилиш ва жорий этиш хақида низом.
- 1.14. Фан бўйича ўқув ва кўшимча адабиётлар рўйхати.
- 1.15. Кафедранинг ўқув стендлари.
- 1.16. Маънавият ва маърифат бўйича стендлар.
- 1.17. Аудиторияларда техник хавсизлиги инструкциялари.

Ташкилий шакллар спецификасини хисобга олган услубий материаллар.

## 1. Маъruzalар

- 1.1. Факултет декани томонидан тасдиқланган ўқитувчилар учун батафсил маъruzalар матни.
- 1.2. Талабар учун босмохонади нашр этилган маъruzalар матни.
- 1.3. Барча мавзулар бўйича мультимедиа маъruzalар матни.
- 1.4. Талабара давоматини назорат қилиш учун ўқув жаридаси.

## 2. Амалий машғулотлар

- 2.1. ЯМСни тузиш талабларига асосланган холда хар бир амалий машғулот мавзуси бўйича ЯМС тафсияномалари.
- 2.2. Конкремт мавзулар бўйича талабаларнинг амалий машғулотлари учун методик тузилмалар.
- 2.3. Амалий кўникмаларни қадамма – қадам бажариш учун методик тафсияномалар.
- 2.4. Иш ўйинлари ва бошқа интерактив ўқитиш усулларини ўтказиш учун методик тафсияномалар.
- 2.5. Фаннинг барча бўлимлари бўйича тарқатма материал тўпламларининг файл папкалари.
- 2.6. Стандарт тўлдирилган ўқув жаридалари.
- 2.7. Тажриба ўтказиш учун керак бўладиган кимёвий идишлар, реактивлар, хайвонла.
- 2.8. Амалий машғулотлар учун мультимедиа дастурлари.

2.9. Тематик хоналарнинг мазмуни бўйича муляж, схема, график ва расмлар.

2.10 Тематик хоналарни талабга мувофик тахт қилиш.

2.11 Жорий назорат учун мавзу бўйича саволлар ва топшириклар тўплами.

2.12 Амалий кўникмаларни тренинги учун аппаратура, маълумот ва тўпламлар.

2.13 Ўзлаштириш экрани.

### 3. Мустақил иш

3.1. Кафедрада мустақил ишларни ўтқазиш низоми.

3.2. ТМИни ташкил қилиш бўйича инструкция.

3.3. Кафедрада ТМИни барча турлари бўйича топшириклар.

3.4. ТМИни ўтқазиш бўйича ўқитувчи ва талабалар учун методик тафсияномалар.

3.5. Конкрет мавзуни ўзлаштириш учун кўргазмали қуроллар ва техник воситаларни барча турларини руйхати.

3.6. Асосий ва кўшимча адабиётлар руйхати.

### 4. Оралиқ ва якуний назорат.

4.1. Оралиқ ва якуний назоратни ўтқазиш бўйича низом.

4.2. Кафедрада OSCE ни ўтқазиш бўйича методик тафсияномалар.

4.3. Талабалар учун OSCE бўйича топшириклар тўплами.

4.4. Тестлар тўплами.

4.5. Амалий кўникмаларни ўзлаштириш даражасини текшириш учун ўқув материаллари, тўпламлар, асбоблар.

4.6. OSCEни ўтқазганда баҳоларни қайд қилиш учун ўқув варакаси.

### 5. Илмий текшириш иш

5.1. Кафедрадаги талабадарининг илмий ишларининг программаси.

5.2. Илмий тўгарак ишининг режаси ва программаси.

5.3. МАвзу, доклад ва рефератларни рўйхати.

5.4. Талабаларининг энг яхши илмий ишларининг намуналари.

Ўқув методик фаолият – бўлажак шифокорларни касбий тайёргарлигига Олий ўқув муассасаларинг муҳим таркибий қисмларидан бири. Тлабалар фаолиятини сифатли ташкиллаштиришда юқорида кўрсатилган методик таъминотдан ташқари, керак бўлган маълумотни олиш учун шароитлар зарур.

Асосий талаблардан бири компьютерларни специфик дастурлар тўплами билан таъминманганилиги, дистанцион ўқитиш ва Internet га эркин кира олиш.

### Тематик хоналарни тузишдан мақсад

Таълим сифатини ошириш, ўқув жараёнини янги технология билан бойитиш, таълим беришда Ахборот технологиялари, интерактив ўқитиш усуллари, фан бўйича жаҳондаги энг янги маълумотларга эга бўлиш, кафедралар моддий техник- базасини яхшилаш ва ундан барча педагоглар на талабалар унумли, рационал фойдаланишга эришиш. Педагоглар, магистрлар ва талабаларнинг мустақил тайёрланишлари учун кенг имкориятлар яратиш. Амалий кўникумаларни эгаллашда копетентлик маҳоратини ошириш учун шарт- шароитлар яратишдан иборат.

### Тематик хоналар вазифаси

- Ўқитилаётган фаннинг маълум бир мавзуси, бўлими бўйича талабаларга амалий дарс бериш имкониятини ошириш
- Фан бўйича режалаштирилган мустақил ишни таёrlаш хамда қолдирилган дарсга таёrlанишга шароит яратиш
- Фан бўйича олинган энг сўнги маълумотлар, интернет, дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалардан эркин фойдаланишга имкон яратиш
- Кафедрадаги мавжуд бўлган муляж, фантом, замонавий асбоб ускуналардан фойдаланиш орқали талабаларга билим бериш савиясини ошириш, улардан барча педагог ва талабалар фойдаланишга эришиш

- Фан ёки мавзу бўйича барча ўқув адабиётлари, электрон дарсликлар, анимацион дастурлар, ўқув қуроллари ва аппаратларни йиғиш ва улардан рационал фойдаланишга эришиш
- Ўз хохиши билан дастур доирасидаги кенгроқ билимга эга бўлиш, илмий изланишлар олиб бориш ва презентациялар таёrlаш истагида бўлган талабаларга шароит яратиш
- Амалий кўникмаларни амалий машғулотларда мустақил эгаллашлари ва уларни назорат қилишга имконият яратиш
- Оралиқ ва якуний назорат турларини сифатли ташкил этиш
- Тематик хоналарда ёндош йўналишдаги фанлар билан интеграция томонга интилиш

### Тематик хоналарни ташкил Қилишдаги асосий талаблар

- Мавзуни ёритиб бериш учун етарли даражадаги майдонга эга бўлиш (камида 36 м<sup>2</sup>)
- Мавзуни ёритиб берувчи баннерлар билан жихозлаш
- Компьютер, Интернет тармоғи, телевизор, видео, DVD оверхет, проектор, информацион технологиялар
- Амалий кўникмаларни эгаллаш имконини берувчи фантом, муляж ва асбоб анжомлар (ЭКГ, ФКГ ва бошқалар)
- Ўқув услубий адабиётлар: дарсликлар, ўқув услубий кўникмалар, тарқатма материаллар, вазиятли масалалар ,тестлар тўплами, амалий кўникмалар ва уларни қадамма -қадам бажариш алгоритмлари, академия кутубхонаси ва ўқув залларида бўлмаган янги дарсликлар, монографиялар, кафедрада ишлаб чиқилган услубий қулланмалар
- Амалий кўникмалар ва лаборатория ишларининг чизмалари, макетлари, электрон анимациялари, видеотасвирлар, видеофильмлар
- Мавзу ёки фан бўйича видиороликлар. маъруза матнлари ва ўқув

адабиётларининг электрон версиялари, анимацион роликлар, ўргатувчи - назорат қилувчи тестлар, вазиятли масалалар ва бошқалар билан таъминланган бўлиши керак.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўқув-услубий мажмуа нима?
2. Электрон ўқув-услубий мажмуа нима?
3. Мажмуага қўйиладиган талаблар?
4. Ўқув-услубий мажмуага қандай қисмлардан ташкил топган?
5. Ўқув-услубий мажмуа таркибини ўзгартириш муддати?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Judith Tintinalli, J. Stapczynski, O. John Ma, David Cline, Rita Cydulka, Garth Meckler. – Tintinalli’s Emergency Medicine; A Comprehensive Study Guide, (Emergency Medicine Tintinalli) - USA, 2015 McGraw – Hill Education, English.
2. Dennis Kasper, Anthony Fauci, Stephen Hauser, Dan Longo, J Jameson, Joseph Loscalzo. –
3. Harrison’s Principles of Internal Medicine 19/E (Vol. 1 Vol2) - USA 2015 English.
4. Robert E. David P – Textbook of family medicine – USA, 2016
5. GadayevA., KarimovM. Sh., AxmedovX.S. Ichki kasalliklar propedevtikasi.- Toshkent, 2012, 708 b.
6. Каримов М.Ш. и др. Пропедевтика внутренних болезней методические рекомендации. Ташкент 2011. Часть 1-3.

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-мавзу**

**Ишдан мақсад::** Терапия фанларни ўқитишда ўқув - услубий таъминот. Терапия фанларни ўқитишда интерактив усуллари билан фойдаланиш.

Ушбу амалий иш давомида қуидагиларни **бажариш лозим**:

### **2 - мавзу**

**Масаланинг қўйилиши:** Терапевтик фанларда муаммоли, масофовий ўқитишни қўллаш

#### **Ишни бажариш учун намуна:**

Хулоса қилиш.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ўқув-услубий мажмуа нима?
2. Электрон ўқув-услубий мажмуа нима?
3. Мажмуага қўйиладиган талаблар?
4. Ўқув-услубий мажмуага қандай қисмлардан ташкил топган?
5. Ўқув-услубий мажмуа таркибини ўзгартириш муддати?
6. Терапевтик фанлардаги ўқув-услубий мажмуага қўйиладиган талаблар?
7. Рейтинг сўзининг маъноси нима?
8. Тиббиёт олийгоҳларида рейтингнинг ўрни?
9. Бахолаш турлари?
10. Назорат турлари?
11. Якуний назорат турлари?
12. Оралик назорат қачон ўтказилади?
13. Баҳонинг функциялари?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Judith Tintinalli, J. Stapczynski, O. John Ma, David Cline, Rita Cydulka, Garth Meckler. – Tintinalli's Emergency Medicine; A

- Comprehensive Study Guide, (Emergency Medicine Tintinalli) - USA, 2015 McGraw – Hill Education, English.
2. Dennis Kasper, Anthony Fauci, Stephen Hauser, Dan Longo, J Jameson, Joseph Loscalzo. –
  3. Harrison's Principles of Internal Medicine 19/E (Vol. 1 Vol2) - USA 2015 English.
  4. Robert E. David P – Textbook of family medicine – USA, 2016
  5. John Murtagh - General Practice 6<sup>th</sup> Revised edition - Australia 2015 English.
  6. GadayevA., KarimovM. Sh., AxmedovX.S. Ichki kasalliklar propedevtikasi.- Toshkent, 2012, 708 b.
  7. 6.Каримов М.И. и др. Пропедевтика внутренних болезней методические рекомендации. Ташкент 2011. Часть 1-3.
- топшириқлар ва уларни ўтказишиш бўйича тавсиялар:**
- Фойдаланилган адабиётлар:**
- 1.Judth Tintinalli, J. Staczynski, O. John Ma, David Cline, Rita Cydulka, Garth Meckler. – Tintinalli's Emergency Medicine; A Comprehensive Study Guide, (Emergency Medicine Tintinalli) - USA, 2015 McGraw – Hill Education, English.
  - 2.Dennis Kasper, Anthony Fauci, Stephen Hauser, Dan Longo, J Jameson, Joseph Loscalzo. –
  - 3.Harrison's Principles of Internal Medicine 19/E (Vol. 1 Vol2) - USA 2015 English.
  - 4.Robert E. David P – Textbook of family medicine – USA, 2016
  - 5.John Murtagh - General Practice 6<sup>th</sup> Revised edition - Australia 2015 English.
  - 6.GadayevA., KarimovM. Sh., AxmedovX.S. Ichki kasalliklar propedevtikasi.- Toshkent, 2012, 708 b.
  - 7.Каримов М.И. и др. Пропедевтика внутренних болезней методические рекомендации. Ташкент 2011. Часть 1-3.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### I – чи КЕЙС:

#### **“ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛИКЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИ”**

##### **Кириш**

##### **Саволлар ва вазифалар:**

1. Ушбу ҳолатда қандай тахминий ташхис қўйиш мумкин?
2. Текширув режасини тузинг.
3. Қиёсий ташхис ўтказинг.
4. Ушбу ҳолатда УАШ томонидан қандай профилактика тури ўтказилиши лозим.

## **II. ТИНГЛОВЧИЛАР УЧУН УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

**2.1 Муаммо:** ҚВП/ОП шароитида юрак ишемик касаллиги билан касалланганлар орасида профилактика чора-тадбирларини аниқлаш.

### **2.2 Муоммо ости вазифалар:**

1. Анамнезни тахлил қилиш;
2. объектив кўрикни тахлил қилиш;
3. тахминий ташхис қўйиш;
4. зарур бўлган текширув усулларини танлаш;
5. олинган натижаларга кўра қиёсий ташхис ўтказиш;
6. профилактика турини аниқлаш;
7. профилактика бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш;
8. УАШ кейинги тактикасини танлаш.

### **2.3. Ҳал қилиш алгоритми:**

1. анамнезни тахлил қилиш:
  - шикоятлари
  - заарарли одатлари

- иш фаолияти

2. объектив күрикни тахлил қилиш:

- пульс ва АҚБ қузатиш

- юрак аускультацияси

- асаб-рухий сфераси

3. тахминий ташхис қўйиш:

- ЮИК: стабил зўриқиши стенокардияси

4. текширув режасини тузиш

- умумий қон тахлили

- умумий сийдик тахлили

- қонда қанд миқдорини аниқлаш

- ЭКГ

- холестерин миқдори

- липид спектри

- коагулограмма

- ЭкоКГ

5. олинган натижаларга кўра қиёсий ташхис ўтказиш:

- ностабил стенокардия

- миокард инфаркти

- умуртқа погонаси остеохондрози

- ураб олувчи темиратки

- нейроциркулятор дистония

- миалгия

- невралгия

- диафрагма қизилўнгач тешиги чурраси

6. профилактика турини аниқлаш:

- иккиламчи профилактика

7. профилактика бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш:

- хавф омилларини аниқлаш ва бартараф қилиш

- касалликни эрта аниқлаш

- номедикаментоз ва медикаментоз даволаш усулларини тавсия қилиш

- даволаш натижаларини назорат қилиш

## 8. УАШ кейинги тактикасини аниқлаш:

- яқуний ташхис қўйиш
- ҚВП/ОП шароитида даволаш ва кузатиш
- диспансер назоратига олиш

**Амалий ҳолатни таҳлил қилиш ва хал қилиш бўйича мустақил ишлаш учун кўрсатмалар**

### **Ҳолатни таҳлил қилиш варағи**

Фаолият босқичлари	Тавсиялар ва маслаҳатлар
Кейс билан танишиш	Аввал кейс билан танишинг, ўқиш давомида ҳолатни дарҳол таҳлил қилишга шошманг
Берилган ҳолат билан танишиш	Маълумотларни дикқат билан ўқинг, сизнинг фикрингиза муҳим бўлган абзацларни белгилаб ажратинг. Ҳолатни тавсифлашга харакат қилинг. Нима биринчи ўринда нима иккилами эканлигини аниқланг.
Асосий муоммони ва муоммо ости вазифаларни аниқлаш, шакллантириш, асослаш	Муоммо: ҚВП/ОП шароитида юрак ишемик касаллиги билан касалланганлар орасида профилактика чоратадбирларини аниқлаш.
Ҳолат таҳлили	Қўйидаги саволларга жавоб беринг: Юрак ишемик касалликларига хос бўлган белгилар қандай? Қайси касалликлар билан қиёсий ташхис

	ўтказиш лозим? Қайси текширув усулларини тавсия қилиш зарур? Профилактика тури ва амалга ошириш лозим бўлган чора-тадбирлар нималардан иборат? УАШ кейинги тактикасига нималар киради?
Муоммони ҳал қилиш усул ва воситаларини танлаш ва асослаш	Ушбу ҳолатда ҳал қилиниши лозим бўлган муоммо бўйича барча усулларни санаб ўтинг.
Муоммоли ҳолатни ишлаб чиқиш ва ҳал қилиш	Ташхис қўйинг ва ҚВП/ОП шароитида муоммони ҳал қилинг.

### Кейс билан мустақил ишлаш бўйича баҳолаш жадвали

Қатнашувчилар			Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари		
№	Қўйидаги ҳолат таҳлили	Муоммони асослаш	Муоммони ҳал қилиш бўйича усул ва воситаларни танлаш	Муоммони ҳал қилишни амалга ошириш бўйича аниқ ишлаб чиқариш	Умумий балл
	1.0	0.5	0.5	0.5	2.5

1.					
2.					
3.					

Изоҳ:

2.0-2.5 балл – аъло

1.5-2.0 балл – яхши

1.0-1.5 балл- қониқарли

0-1.0 балл- қониқарсиз

## **2-чи кейс:**

**Симтоматик артериал гипертензия синдромига доир вазиятли масалаларнинг қадамма-қадам ечими тахлили.**

**Сурункали пиелонефрит-САГ.**

**Кейсни ўқутувчи-кейсолог томонидан ечим намунасии – КВП шароитида**

**УАШ қабулида**

<b>1</b>	<b>Беморни ШАМ билимлари демонстрацияси билан кутиб олди</b>	АҚБни шифокоргача булган кабул кабинетида текширгандан сўнг артериал босимни коррекцияси учун зарур чора-тадбирларни ўтказиш. Паспорт маълумотларини йигиш. Беморга исмини айтиб мурожат қилиш. Бемор учун тушинарли бўлган сўзлар билан гаплашиш.
<b>2</b>	<b>Асосий ва күшимча шикоятларни аниклаш</b>	<b>Асосий шикоятлари:</b> қориннинг ўнг ёнбош қисмида ва ўнг бел соҳасида кескин оғриқ ва оғриқ билан кечадиган пешоб ажралишига шикоят қилди. Оғриқ сон ва ташқи жинсий аъзоларига тарқалади. <b>Кўшимча шикоятлари:</b> Умумий холсизлик
<b>3</b>	<b>Anamnesis morbi</b>	Юқоридаги хуружсимон оғриқлар илгари хам кузатилган.
<b>4</b>	<b>Anamnesis vitae</b>	Болалик пайтита вирусли гепатит “А” касаллиги билан инфекцион касалхонасида даволаниб “Д” назоратида турган. Оиласвий, 2 та фарзанди бор, ўй бекаси. Хомиладорлик АҚБ кўтарилиши билан кечган.
